

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 910-ҳадис

910 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عُودُوا الْمَرِيضَ، وَأَطْعِمُوا الْجَائِعَ، وَفَكُوا الْعَانِي». رَوَاهُ الْبُحَارِيُّ [3046].

(العاني) : الأَسِيرُ.

910. Абу Мусодан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Беморни бориб кўринг, очни тўйдириинг ва тутқунни - яъни асирни - озод қилинг», деб айтдилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда мусулмонлар ўзларининг бир-бирлари билан бўладиган ижтимоий алоқаларида эътибор беришлари лозим бўлган энг муҳим учта масала зикр қилинмоқда;

1. Беморни кўргани бориш.

Бу ҳам мусулмонлар орасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлайдиган, муҳаббат ришталарини пишиқлайдиган омиллардан биридир. Беморнинг кўнгли нозиклашиб, бироннинг далласига, дуосига, ҳол сўрашига интиқ бўлиб қолади. Ана шундоқ пайтда мусулмон кишилар уни бориб кўрмоқлари, ҳолини сўрамоқлари, ҳақига дуо қилмоқлари матлубдир.

2. Очни тўйдириш.

Уйда таом тайёрлаб оч қолган кишиларни таомлантириш савобли иш экани.

3. Асирни озод қилиш.

Мусулмонлардан бирор кишининг асир тушиб қолиши қолганлар учун

мусибатдир. Озодликдаги барча мусулмонлар ўша асирни озод қилиш учун ҳаракатда бўлмоқлари вожиб бўлади. Бу уларнинг бошга оғир иш тушганда бир-бирларига ёрдам беришга шошилишлари жумласидандир. Шу билан мусулмонларнинг ижтимоий алоқалари яхшиланади. Шу билан бир-бирларига нисбатан масъулиятлари ортади.

Манба: hadis.islom.uz

